

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 104,4 фоизга кўпайди ва 4331,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 94,9 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 94,6 фоиз).

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 2294,2 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,4 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	2294,2	115,4	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	4,2	110,6	0,2
нодавлат мулки	2290,0	115,4	99,8
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	155,2	113,0	6,7

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-мартда 913,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,8 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 1155,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,6 фоизга ошган.

2017 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби куйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	2294,2	115,4	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	913,7	115,8	39,8
Якка тартибдаги тадбиркорлик	1155,7	118,6	50,4
уюшмаган сектор (ташқил этилмаган савдо фаолияти)	224,8	100,1	9,8

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 63,8 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-мартга нисбатан 12,3 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини кўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 14,0 фозга ошди ва 809,9 минг сўмни ташқил этди (2016 йил январь-март ойиларида 651,3 минг сўмни ташқил этган).

2017 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 2082,9 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 836,3 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 40,1 фоизини ташқил қилди. 2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 112,8 фоизни ташқил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	2082,9	112,8	100,0
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	39,9	120,4	1,9
молиявий хизматлар	170,4	133,7	8,2
транспорт хизмати	777,5	113,9	37,3
шу жумладан автотранспорт хизматлари	750,8	114,1	36,0
яшаш ва овқатланиш хизматлари	85,4	110,2	4,1
савдо хизматлари	612,8	107,8	29,4
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	70,8	111,1	3,4
таълим соҳасидаги хизматлар	35,9	105,3	1,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	27,8	114,7	1,3
ижара ва прокат хизматлари	66,7	113,4	3,2
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	54,4	114,2	2,6
бошқа шахсий хизматлар	67,4	113,1	3,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	20,6	91,2	1,0
бошқа турдаги хизматлар	53,3	107,6	2,6

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 37,3 фоизи), савдо ва овқатланиш (29,4 фоизи) хизматларига тўғри келади.

Шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (120,4 фоиз), молиявий хизматлар (133,7 фоиз), транспорт хизматлари (113,9 фоиз), соғлиқни сақлаш (114,7 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-мартида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:

